

# Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25<sup>th</sup> January, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: [econferenceseries.com](http://econferenceseries.com)

## ЮРИДИК ТЕРМИНЛАРИНИНГ ТАРЖИМА ҚИЛИШ

### МУАММОЛАРИ

Пўлатова Ўғилхон Собиржон қизи  
Андижон давлат тиббиёт институти

#### Аннотация

Юридик терминларнинг таржима қилишда фойдаланиладиган таҳлил жараёни бизни сўз ясалишининг ўзлаштириш усулидан фойдаланиш ва амалиётда қўллашда йўл қўйиладиган хатолар ҳақида ёритиб берилган.

**Калит сўзлари:** ўзлашма, таржима, лексика, таҳлил, литерализм

Сўнги йилларда ўзбек тилшунослиги, адабиётшунослиги, оммавий ахборот майдони кенгайиши ва кино санъати қўлами ривож таржимонлик соҳаси имкониятлари ва долзарблигини кўрсатиб бермоқда. Қолаверса, таржима ижтимоий-гуманитар соҳаларнинг таркибига, жумладан, юридик ва ҳуқуқшунослик соҳаларига ҳам кириб бормоқда. Бу жараёнлар тажрибали таржимонлар учун янги чорлов қўнғироғи бўлса, бошланғич таржимонларга янги мураккаб жараён ҳисобланади. Янги ёки бошланғич таржимонларни тажрибали рус назарийчи таржимонлари “ложные друзья переводчика” (таржимоннинг чалғитувчи дўстлари) - чалғитувчи бирликлар деб номланувчи лисоний жараёндан доимо хушёр бўлишга чақиради. Манбалар орқали маълумки, сохта лексик бирлик бўлмаган таржима майдони мавжуд эмас улар гоҳ интернационал деб аталса, гоҳида байналминал сўзлар деб ҳам аталади.

**Таржима амалиётида ушбу жараён қандай қийинчилик туғдиради?** деган савол пайдо бўлиши табиий. Биринчидан, таржимон тили (ўзбек тили) ва таржима тилида (инглиз тили)нинг шаклан ўхшашлигида яъни асл тилдаги бирликнинг таржима тилида ҳам шунга ўхшаш шаклнинг мавжудлигида. Бу ҳодисанинг сабаблари жуда кўп бўлиши мумкин, лекин ечимнинг топишининг энг асосий йўли ўша бирлик этимологик жиҳатдан таҳлил қилишдир. Таҳлил жараёни бизни сўз ясалишининг **ўзлашма** (ўзлаштириш) усули томонга етаклайди. Масалан, ҳозирги тараққиёт даврида alphabet, ampere, atlas, atom, banjo, barbarism, benzol, billiards, bull-dog, cafeteria, caravan, catastrophe, demagogue, dynamo, economic, electric, element, energy, film, Kodak, legal, minimum каби лексик бирликлар фақат инглиз халқи ёки инглиз тилини



# Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25<sup>th</sup> January, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

биладиганлар учун таниш эмас, улар ўзбек ва бошқа халқлар учун ҳам таниш, қолаверса, улар учун махсус луғатлар шарт эмас. Айнан мана шу жараён натижасида ҳосил бўлган лексик бирликлар рус таржимонлари томонидан чалғитувчи бирликлар (ложные друзья переводчика - таржимоннинг чалғитувчи дўстлари) деб юритилади.

Ушбу интернационал лексик бирликларнинг мураккаблиги шундаки, амалиёт жараёнидаги таржимон (одатда янги бошловчи) кўпинча ўзга тилдаги лексик бирликнинг график (шаклий) ва фонетик (товуш) шакли ўз таржима тилидаги худди шундай ўхшаш бирлик борлиги таъсирига тушиб қолади. Натижада, таржимон таржима тили меёрларини ёддан чиқариб, сўзларнинг мослиги борасида литерализм (бирга бир кўчиш)га йўл қўяди. Бу эса таржима тили нормаларини бузади. Боиси шундай ҳолатлар борки, ўзлашган лексик бирликлар таржима тилига ўтганда улар ўша тилнинг морфологик ва синтактик қонуниятларига бўйсунishi мақсадга мувофиқ.

Таржимонлик амалиётида ушбу жараёнга синхрон таржимонлар иш жараёнида тез-тез кузатилади. Масалан, **ўзбек тили**: Тошкентда 11 нафар уюшган жиноий гуруҳ аъзосига ҳукм ўқилди<sup>1</sup> - **тарж.**: 11 organized-crime group figures were sentenced in Tashkent. Қайд этилган таржимада, **уюшган жиноий гуруҳ аъзоси** таржимаси, **member of an organized crime group** шаклида эмас, балки **organized-crime group figures** тарзида тақдим этилиши таржима адекватлигини таъминлаган. Бу каби мисолларни қуйидаги жадвалда кузатишимиз мумкин.

## Чалғитувчи бирликлар таржимаси

чалғитувчи бирликлар	литерализм	адекват таржима
ўзбек тили	инглиз тили	инглиз тили
легаллаштирмақ	to get legalized	to obtain legal status
официальной шахс	official person	public officer; official
фальшивкалаш	falsification	forgery; adulteration
фальшивый документлар	false document	forged documents (papers)
хулиган	hooligan	ruffian; rowdy
организованный жиноятчилар	participants of organized criminality	organized-crime group figures
конфиденный суҳбат	confidential interview	private interview

<sup>1</sup> <https://aniq.uz/yangiliklar/toshkentda-11-nafar-uyushgan-jinoiy-guruh-azosiga-hukm-uyildi>

## Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25<sup>th</sup> January, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: [econferenceseries.com](http://econferenceseries.com)

Ҳар бир асар у ҳоҳ бадиий бўлсин, ҳоҳ илмий бўлсин муайян бир тилда яратилади ва ана шу тил унинг она тили демакдир. Унинг шакл ва мазмунан мукамаллиги қийматини оширади, барқарорлигини таъминлайди. Кейинроқ бу камёб, нодир дурдона бир тилдан бошқа тилларга таржима қилинади ва умумбашариятнинг интеллектуал меросига айланади. Баъзан умумбашарият меросига айланиш ёки айланмаслик масаласи таржимонлар гарданига тушади. Бу масъулият ортида таржимондан аслиятнинг мазмун ва ғоя бирлигини қайта яратиш билан бир қаторда унинг мувофиқ шаклини тиклашни ҳам талаб қилади. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, таржимада шакл ва мазмун бирлигининг тикланишига бағишланган бирорта махсус иш халигача майдонга келган эмас. Бу ҳол бизнинг ҳам мазкур масалани илмий-назарий жихатдан кенгроқ ва чуқурроқ ёритиб бериш имкониятимизни чеклайди.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Усмонов Қ., Содиков М., Обломуродов Н. Ўзбекистон тарихи. I - қисм. -Т.: 2002. - Б. 356.
2. Байт ал-ҳикма ва Марказий Осиё олимларининг Бағдоддаги илмий фаолияти, Ўзбекистон НМИУ. -Т.: 2010. - Б 264.
3. Саримсоков Х.А. Инглиз ва ўзбек тилларида спорт терминларининг чоғиштирма тадқиқи: Филол. фан. д-ри (PhD) дисс. – Тошкент, 2020. – 12 б.
4. Бобоёров М. Ҳ. Мустақиллик даври жисмоний тарбия ва спорт атамаларининг шаклланиши: Филол. фан. номз. дис. ... автореф. – Самарқанд, 2009. – 22 б.

